

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА МАҶНАВИЙ-ЭСТЕТИК МУҲИТ
ЯРАТИШНИНГ АРТПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

Рамазонова Мунира Гуломжоновна

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тарихи музейи мутахассиси
Мустақил изланувчи. Республика маънавият ва маърифат маркази.
13.00.01.-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.
(90-005-26-06)

Аннотация: Мазкур мақолада таълим муассасида маънавий-эстетик муҳит яратишнинг артпедагогик механизмлари, ўсмиirlарни санъат орқали тарбиялаш, уму таълим муассасаларида Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида иши юритиши, маънавий-эстетик муҳит яратиши, артпедагогика механизмлари ҳақидағи фикрлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада педагогнинг асосий вазифалари, тасвирий санъатга бўлган эътибори кабиларга ҳам кенг тўхтаб ўтилган.

Калит сўзлар: маҳорат, ахлоқ-одоб, маънавият, эстетик-тарбия, миллат, тил, урф-одат, ҳуқуқий, мусиқа.

АРТ-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ СОЗДАНИЯ ДУХОВНО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ СРЕДЫ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ УЧРЕЖДЕНИИ

Рамазонова Мунира Гуломжоновна

Специалист Музея истории Союза писателей Узбекистана

Аннотация: В данной статье рассмотрены арт-педагогические механизмы создания духовно-эстетической среды в образовательном учреждении, воспитания подростков посредством искусства, действующего на основании решений, принятых Президентом в образовательных учреждениях, создания духовно-эстетической среды, искусства. -научно проанализированы педагогические механизмы. Также в статье широко рассматриваются основные задачи педагога, его внимание к изобразительному искусству и др.

Ключевые слова: мастерство, этика, духовность, эстетическое воспитание, нация, язык, традиция, право, музыка.

ARTPEDAGOGICAL MECHANISMS OF CREATING A SPIRITUAL-AESTHETIC ENVIRONMENT IN AN EDUCATIONAL INSTITUTION

Abstract: In this article, art-pedagogical mechanisms of creating a spiritual-aesthetic environment in an educational institution, educating teenagers through art, acting on the

basis of the decisions taken by the President in educational institutions, creating a spiritual-aesthetic environment, art-pedagogical mechanisms are scientifically analyzed. Also, the main tasks of the pedagogue, his attention to visual arts, etc., are extensively discussed in the article.

Key words: skill, ethics, spirituality, aesthetic education, nation, language, tradition, legal, music.

Кириш (Introduction)

Мамлакатимизда кундан кунга бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик, иқтисодий ислоҳотлар, беш ташаббуслар амалда бажарилиши, таълим жараёнинг ўзгариши, янги стратегик хужжатларнинг имзоланиши, юртимизда чет-эллик меҳмонларнинг ташриф буориши, алоқаларнинг кучайиб боришида албатта барчасининг замирида, Президентимизнинг янги қонунлари ва ислоҳотлари, фармонлари асос бўла олади. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинди. Маҳаллаларда кутубхоналар, спорт майдонлари, шахмат ва шашка ўйнаш, ҳамда дастурчи лойиҳаси Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси амалга оширишга оид Давлат дастури Президентимиз фармони билан тасдиқланиб, эълон қилингач, ҳеч қанақа вақт ўтмасдан, 2 февраль куни яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ қарор давлатимиз раҳбари томонидан маънавият, маданият, санъат соҳаларига жиддий эътибор қаралаётганини яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, ушбу ҳужжат санъатимиз ва маданиятимизнинг юртимизда, қолаверса, жумлаи жаҳонда нуфузини, ўрнини кўрсатиб берадиган ва ўзининг мавқеини қайта тиклашига ечим бўла оладиган қарор сифатида қабул қилинди.

1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлиб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қалбида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъодларни аниқлаш ва қўллаб-куватлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилансин:

а) умумий ўрта таълим муассасаларида:

мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий мусиқа чолғуларидан камида биттасида куй ижро этиш маҳорати ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатига (шаҳодатнома) тегишли қайд киритилади;

музиқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда ҳар ҳафта миллий мусиқа чолғуларида куй ижро этиш амалийтўгараклари ва факультатив дарслари ўтказилади;

¹ <https://yuz.uz/news/madaniyat-va-sanat-sohasini-yanada-rivojlantirishga-doир-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida>

мазкур қарорға 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий чолғулардан камида биттасида, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб эса камида учтасида куй ижро этиш маҳоратига эга бўлиш мусиқа фани ўқитувчилари учунмажбурий ҳисобланади;

мусиқа фани учун ажратилган ўқув соатлари доирасида “Ҳаётимга ҳамроҳдир чолғу” шиори остида чолғу ижрочилиги дарс машғулотлари йўлга қўйилади;

ноталар тўпламлари ва маҳсус мусиқий адабиётлар билан таъминлаш умумтаълим мактабларини дарслерлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тизимиға киритилади;

ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг қизиқишиларига кўра миллий мусиқа чолғуларида куй ижро этиш маҳорати, тасвирий ва амалий санъат, хунармандчилик йўналишларида амалий тўгараклар (кейинги ўринларда – амалий тўгараклар) ташкил этилади;

амалий тўгараклар раҳбарларига “Баркамол авлод” болалар мактаблари тўгарак раҳбари учун белгиланган базавий тариф ставкалари қўлланилади;

амалий тўгаракларни олиб бориш ҳисоби “Электрон кундалик” дастури орқали амалга оширилади ҳамда ҳар чоракда тўгарак иштирокчиларининг ҳисбот концертлари ташкил қилинади;

мусиқа санъати бўйича профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган, камида 3 та миллий мусиқа чолғуларида маҳорат билан куй ижро эта оладиган мутахассисларни асосий иш жойидан бўш вақтида у ердаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда ўриндошлик асосида умумий ўрта таълим муассасалари мусиқа фани ўқитувчиси ва мусиқа йўналишидаги тўгарак раҳбари лавозимиға тўлиқ ставкада ишга қабул қилишга рухсат берилади;

мусиқа фани ўқитувчиларини камида учта миллий мусиқа чолғуларида куй ижро этишга ўргатиш халқ таълими ходимларини узлуксиз қасбий ривожлантириш тизими доирасида амалга оширилади, бунда қайта тайёрлаш (малака ошириш) курсларида машғулот олиб бориш учун маданият ва санъат соҳаси вакиллари шартнома асосида жалб этилади;²

Стратегияга асосан мамлакатимизнинг тараққиётининг келгуси беш йиллигига ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлашга эътибор янада кучайди. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, уларнинг ҳақ-кукуқларини қонуний манфаатларини химоя қилиш, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиш, шижаотли ёшларни дунёга танитиш, ёшлар билан алоҳида ишлаш, мактабларда, олий ўқув юртларда ўқувчиларнинг салоҳиятини

²<https://yuz.uz/news/madaniyat-va-sanat-sohasini-yanada-rivojlantirishga-doir-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida>

англаб олиш, билимли ўқувчиларни рағбатлантириш, ҳамда истеъододли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Эстетик тарбия- бу ўқувчиларда ҳаётдаги, табиатдаги, санъатдаги, фан ва жамиятдаги гўзалликларни тўла-тўкис қабул қилиш қобилятини тарбиялашдир. Ҳаётдаги гўзал нарсалар, ақл рух, иродага таъсир қилиб, инсоннинг руҳий оламини бойитади.

Эстетик тарбия ўз ичига бадиий, мафкуравий, маънавий ҳамда ахлоқий тарбияни олади.

Эстетик тарбия жараёнида кишининг қарашлари, хиссиётлари, диidi ҳамда идеаллари шаклланади: бу шаклланиш мафкуравий тарбия, ижодий фикрнинг ривожланиши билан мустаҳкам боғлангандир. Эстетик тарбия кишини олижаноб, гўзал ҳамда инсонпарварлик ҳаракатларига мойил қиласиди³.

Соҳибқирон Амир Темур: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард, шиҷоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир” деган эди. Демак, азми қатъийлик, тадбиркорлик, ҳушёрлик, мардлик каби фазилатлар ҳам одамда илк болалик чоғидан тарбиялаб бориш зарурлигини кўрсатади.

Тахлил ва натижалар (Analysis and results)

Артпедагогика орқали ўсмирларнинг фалсафий, ҳукуқий, илмий, бадиий, диний, ахлоқий, ва шу каби тасаввурлари ва тушунчалари мажмуини ривожлантириш мақсадида ёшларнинг тасаввурини уйғотиш лозим. Инсоннинг руҳияти, имон-эътиқоди, тафаккури, онги, ақлу заковати, илму фаросати, кийиниш, сўзлашиш, муомала маданияти, миллий аҳамияти, миллий қадрияти, тарбияси каби тушунчаларни мужассамлаштирган яхлит тушунча. Шу жиҳатдан маънавият ҳар қандай давр ва замонда ҳам, ҳар қандай жамиятда ҳам инсониятнинг бирламчи ва асосий эҳтиёжи бўлиб келади, унга ҳамиша зарурат сезилади. Ўсмирларнинг маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одат анъаналарни хис қилган холда, ёшларнинг турмуш тарзини тарғиб қилиш, китобга қизиқтириш, фанга бўлган меҳрини кучайтириш, уларни компьютер технологиялари, дастурлаш асослари ва работотехникага кенг жалб этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошмоқда. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзбек маърифатпарварларининг ўрни ва ролига эътибор берадиган бўлсак аввало, Ойбекнинг “Навоий” романида шоирнинг ҳаёти ва яшаган даврига назар соладиган бўлсак, юртни бошқаришда Навоийнинг маслаҳати жуда катта аҳамиятга эга бўлган. У мамлакатнинг келажаги, давлатнинг барқарор бўлиши учун зироатга, турли хунарларга катта аҳамият бериш зарурлигини муфассал тушунтирган. Юрда илм, шеър ва ўзга санъат одамларининг майшатини яхшилаш учун уларга ҳамиша ҳомийлик қилиш кераклигини айниқса таъкидлади⁴. Инсон маънавиятини ривожлантиришда доимий ўз устида ишлаш,

³ Дмитриева Н.А. Эстетического воспитание. М, Просвещение, 1965.

⁴ Ойбекнинг Навоий романидан парча (115 бет)

3– SON / 2022 - YIL / 15 - NOYABR

мехнат қилиш лозим. Дарҳақиқат, устоз Навоий илмини ривожлантиришда жуда сийрак машғул бўлиб, хаттотлик санъатида маҳоратини оширишга тиришар, бўш вақтида расм чизар, мусиқий билан кўпроқ шуғулланар эди. Демак инсон комилликка эришиш учун кўпроқ санъатни ҳис қила олиши лозим. Камолиддин Беҳзоднинг чизгани живир-живир гуллар, барглар, чизиқлар нозиклиги, жонлилиги, бемисл шеърияти билан гўё унинг кўзларини, руҳини сеҳрлаган экан. Навоий К. Беҳзоднинг чизган асарларини кўриб, ором ва ҳаяжон билан чукур нафас олган. Навоий расм санъатини жуда чукур тушунган ва чукур завқ соҳиби бўлган. Ранг тасвирнинг нечоғли қадрли эканлигини қалбан ҳис қилган. Камолиддин Беҳзодга бўлган хурмати жуда чексиз бўлган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendation)

Мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи фаолиятини мониторинг қилиш бўйича Республика ишчи гурӯҳи, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи фаолиятини белгилаш ва уларнинг вазифалари, ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимига таникли шоир, ёзувчи, журналист ва ижодкорлар, жумладан, ижодий салоҳиятга эга бўлган она тили ва адабиёт ўқитувчиларини умумий ўрта таълим мактабларига бириткирилди. Таълим муассасаларида маънавий эстетик мухит яратишда аввало, санъатнинг ҳамма турларини тарғибот қилиш лозим. Шундагина ўсмир ёшларнинг дунёқараши ва онги янада шаклланади. Боланинг артпедагогик механизmlари ривожланишида таълим масканидан бошлаш лозим.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Янги Ўзбекистон газетаси 2022.3.02.
2. Дмитриева Н.А. Эстетического воспитание. М, Просвещение, 1965.
3. Ойбекнинг Навоий романидан парча (115 бет)

Интернет сайtlар. yuz.uz/news/madaniyat-va-sanat-sohasini-yanada-rivojlanishga-doir-qoshimcha-chora-tadbirlar-toqrisida